

ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА ОЛИБ ЧИҚҚАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан расмий ташириф билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Будапештга расмий таширифи 20 май куни Венгриянинг йирик компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувдан бошланди.

Венгрия томонидан “OTP Bank”, “BDPST Group”, “4iC”, “Indotek”, “MVM”, “Duna Group”, “MOL Group”, “H2O Consortium”, “Inpark”, “Wizz Air” ва бошқа кўплаб компанияларнинг топ-менеджерлари ва таъсисчилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида расмий ташириф Венгрия ишбилармонлари билан учрашувдан бошланаётгани раъзий маънога эга эканини таъкидлади.

Венгриянинг Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан тўғри инвестициялари жадал ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Масалан, “OTP Bank” Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бирини сотиб олиб, мамлакатимиз молия бозорида барқарор ўрин эгаллади.

Компаниянинг автокредитлашни ривожлантириш учун қўшма компания ташкил этиш, бизнесни молиялаштириш дастурини йўлга қўйиш, йирик паррандачилик кластерини қуриш бўйича янги режалари қўллаб-қувватланди.

Саноат кооперациясини кенгайтириш ва илғор технологиялар трансферини

рағбатлантириш мақсадида Тошкент вилоятида Европа компаниялари учун махсус саноат зонаси ташкил этилмоқда. Ушбу ҳудудни бошқариш Венгриянинг “Inpark” операторига берилди.

Иқтисодий шерикликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Президенти қатор устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди. Қўшма лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш ва тайёр маҳсулотларни учинчи мамлакатларнинг истиқболли бозорларига экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш шулар жумласидан.

Транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни кучайтириш, хусусан, юк ташишни кўпайтириш ва икки мамлакат ўртасида тўғридан тўғри авиақатновларни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия компанияларининг қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқишини юксак баҳолади. Ўз навбатида, бизнес вакиллари ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклиф ва режаларини билдирди.

Учрашувда транспорт ва йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, логистика марказлари ва коммунал тармоқларни барпо этиш, қурилиш материаллари, тайёр тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишларда янги

лоийҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб боришни таклиф этди.

— Биз мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш учун барча шароитларни яратамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбари ҳузурида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича битимлар алмашиш маросими бўлди.

Расмий таширифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “OTP Bank Group” директорлар кенгаши раиси Шандор Чаны билан учрашув ўтказди.

Банкнинг мамлакатимиз банк-молия бозоридаги фаолияти 2023 йилдан буён жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари автокредитлашни ривожлантириш ва бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга доир қўшма дастурларни олқишлади.

Паррандачилик кластерини ташкил этиш бўйича йирик лойиҳани тез фурсатда амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Тошкент вилоятидаги саноат паркида Венгрия компаниялари лойиҳаларини илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Будапешт шаҳрига расмий ташириф доирасида Венгрия Миллий мажлиси спикери Ласло Кёвер билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик муносабатларини, шу жумладан, парламентлараро йўналишда янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат парламентлари делегацияларининг ўзаро таширифлари ва учрашувлари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей Ассамблеясида Миллий мажлис спикери Ўринбосари Янош Латорцаи иштирок этди. Йил якунига қадар Венгрия парламенти спикери Ўринбосари ва Иқтисодиёт қўмитаси раҳбарининг Ўзбекистонга, мамлакатимиз парламент делегациясининг Будапешт шаҳрига таширифи амалга оширилади.

Имзоланган битимларни амалга оширишга қўмаклашиш, дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, энг аввало, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, солиқ ва рақамлаштириш соҳаларида қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашиш учун тегишли қўмиталар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг “Кармелита” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг тор доирадаги ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия етакчисига Будапешт шаҳрида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Амалий ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Парламентлар, ҳукуматлар, идора ва ҳудудлар даражасида самарали алоқалар йўлга қўйилган. БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида етакчи корхоналарнинг кооперацияси кучаймоқда.

Товар айирбўшлаш ҳажмини, шу жумладан, импорт ўрнини босиш ва “GSP+” мақоми ҳисобига биринчи босқичда 500 миллион еврога етказиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда лабораториялар Европа Иттифоқи талабларига мувофиқ аккредитациядан ўтказилади, товарларни олдиндан сертифицирлаш дастури ва экспорт қилувчи компанияларга қўмаклашиш бўйича қўшма платформа ишга туширилади.

Таъкидлаш жоизки, бүгунги кунда қўшма инвестиция лойиҳалари портфели 500 миллион долларни ташкил этади. Бу галги ташириф учун яна 1,5 миллиард евролик янги лойиҳалар тайёрланган.

Венгриянинг “ОТР” банки Ўзбекистон молия бозорига чиққани Венгрия ва Европа бизнеси учун кучли рағбат бўлгани таъкидланди. Банк билан молиялаштириш воситаларини кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Автокредитлашни ривожлантириш учун қўшма компания ташкил этиш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини ишга тушириш шулар жумласидан. Сирдарё вилоятида паррандачилик кластерини ташкил этиш ҳам фаол босқичда.

Эрталаб ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, автомобиль йўллари ва логистика марказларини қуриш, коммунал тармоқларни ривожлантириш, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, кимёвий товарлар, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, рақамли технологиялар, балқичилик каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Бундай ишлаб чиқаришларни Ўзбекистонда жойлаштириш учун Венгриянинг “Inpark” оператори бошқарувига Европа компаниялари учун махсус саноат зонаси ташкил этилаётгани таъкидланди.

Умуман, жорий йил июль ойида Будапешт шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида Инвестициявий шериклик дастурини тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон — Венгрия Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини қайта тиклаш ва яқин фурсатда унинг навбатдаги йиғилишини бизнес вакилларининг кенг иштирокида ўтказиш таклиф қилинди.

Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан Кенгайтирилган стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, етакчилар ҳузурида қабул қилинган қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, жумладан, Экстрадиция тўғрисидаги шартнома, Иқлим ўзгариши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, табиий офатларни бошқариш, илм-фан ва

инновациялар, тинч атом соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро келишувлар амалшилди.

Ўтган йил октябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтган биринчи Худудлар форумининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди. Худудлараро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида Венгрияда иккинчи форумга пухта тайёргарлик қўриш юзасидан келишувга эришилди.

Ишбилармонлик, туризм ва маданий алмашинувларни фаоллаштириш мақсадида икки мамлакат ўртасида тўғридан тўғри авиақатновларни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Маданий-гуманитар соҳадаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Лакителек шаҳрида буюк шоир Алишер Навоий бюсти очилди. Жорий йилнинг январь ойида Будапештда Ўзбек кинеси кунлари ўтказилди.

Келгуси йилни Ўзбекистон ва Венгрия маданияти йили деб эълон қилиш таклифи билдирилди. Венгрия давлат опера театри саҳнасида “Лазги” балетини саҳналаштириш ва Будапештдаги Этнография музейида ўзбек маданияти кўргазмасини ўтказишга тайёргарлик қўрилмоқда.

Таълим алмашинуви бўйича “Stipendium Hungaricum” дастури доирасидаги ҳамкорлик давом эттирилади. Шунингдек, икки мамлакатда тан олинадиган дипломлар бериш тизимини жорий этиш ва мамлакатимизда Венгрия олий таълим муассасаларининг филиалларини ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Шу маънода, жорий йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Венгрия ректорларининг учинчи форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Терроризм, экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, одам савдоси ва хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хатарларга қарши курашни борасидаги ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Эришчилар келишувлар ижроси устидан назорат ўрнатиш мақсадида мутасадди вазирликларга қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш топширилди.

Учрашув якунида Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир Виктор Орбани жавоб таширифи билан Ўзбекистонга келишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий таширифи давом этмоқда.

ЎЗА

“ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАҲНАМОЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДИНАМИК ЕТАКЧИСИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛДИ”

Венгриянинг етакчи оммавий ахборот воситалари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Будапешт шаҳрига таширифи арафасида Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар ва мамлакатимизнинг Туркий давлатлар ташкилотидagi иштирокини кенг ёритмоқда.



Жумладан, Венгриянинг “Hungarian Conservative” ахборот-таҳлилий нашрида “Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi етакчилиги: Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Нашрда Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва туркий тили давлатлар ўртасида маданий бириликни мустаҳкамлаш учун Марказий Осиёдаги стратегик жойлашувидан фойдаланган ҳолда асосий

иштирокчига айлангани қайд этилган. “Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда ТДТ кун тартибини белгилаб берувчи ва унинг халқаро майдондаги таъсирини кучайтирувчи қатор чуқур ислохотлар бошланди. Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва туркий давлатлар ўртасида умумий фаровонлик тарафдори эканини таъкидлайди”, деб ёзилган материалда.

Давоми 2-бетда

АҲОЛИНИНГ ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИФИГА АСОСАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲУЖЖАТГА МУВОФИҚ, АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТЛАНИШДА ҚАТОР ТАРТИБЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Орзу-хавас, хоҳиш-истакларнинг кўп бўлиши инсон табиатига хос хусусият. Зеро, ҳар биримизда оиламиз, яқинларимиз, ўқийётган ёки ишлаётган муассасамиз ҳамда давлат ва жамиятдан кутадиган хоҳиш-истаклар мавжуд. Бу табиий ҳолат.

Халқ истаги-чи? Ўз номидан ҳам бу мутлақо кўпчиликнинг муайян мавзу ёки масалага доир хоҳиш ва истаклари мажмуини аналитади. Масалан, ҳаммамиз юртимиз доим тинч бўлишини, халқимиз фаровон яшашини хоҳлаймиз.

Лекин жамиятда табиий ривожланиш жараёни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги янгиланишлар, илм-фан ва техника тараққиёти, ортиб бораётган эҳтиёжларимиз ҳисобига айрим муаммолар масалалар пайдо бўладими, бу жуда кўпчиликка дахлдор бўлган нуқтани назаридан ҳам халқ истаги даражасига кўтарилади. Айтайлик, мамлакатимизда узок йиллар мобайнида аҳоли талабини қондирадиган даражада турар жойлар қурилмагани ва уй-жой қуриш учун ер ажратилмагани оқибатида, бир томондан, ноқонуний



қурилишлар кўпайган бўлса, бошқа томондан, уй-жойга юқори талаб сақланиб келди. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан кенг кўламли уй-жой қурилиши бошлангани, махсус фармон қабул қилиниб, аҳолининг ноқонуний турар жойларини ҳужжатлаштириш ишлари олиб борилаётгани эса халқимиз истаган, бошқача айтганда, миллионлаб юрдошларимиз хоҳлаган иш бўлди. Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун”

тамоийли ислохотларнинг ўзига экани амалий жиҳатдан ўз тасдиғини топди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 майда қабул қилинган “Транспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қўлайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кўп минг сонли юрдошларимизнинг айна кўнглидаги, улар истаган воқеа бўлди.

Давоми 3-бетда

**“ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
РАЎНАМОЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ТУРКИЙ
ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДИНАМИК
ЕТАКЧИСИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛДИ”**

Бошланиши 1-бетда

Маҳалла раислари сайлови
ХАЛҚ ИШОНЧИ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



қиндиларни олиб чиқиш кетиш учун

АҲОЛИНИНГ ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИГА АСОСАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХУЖЖАТГА МУВОФИҚ, АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТЛАНИШДА ҚАТОР ТАРТИБЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бегда

Ҳўш, ушбу қарор қайси жиҳатлари билан кўпчилиكنинг қувончи, олқиши, бугунги яшаётган кундан рози бўлишига замин яратмоқда? Бунга қуйида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Ҳар куни кимдир ишга, ўқишга ва яна кимдир ўз юмуши билан бошқа манзилга бориш учун йўлга чиқади. Лекин йўллардаги тирбандлик, сунъий чекловлар сабаб кўпчилиكنинг куни кўнгилхиралик билан бошланади. Табиийки, эрталаб ишга келаётган одам шошади. Ҳайдовчига тезроқ юришни, кечикаётганимизни айтмиш. Ҳайдовчи эса, ўз навбатида, сизга чорраҳаларда турган фото-видео қурилмаларни, тирбандлик сабаб йўл чизикларини босиб ўтиб кетолмаслигини айтади.

— Илоҳсизликдан кўп нуқолай вазиятларга тушиб қоламиз, атайлаб қондабузарлик қилинмади, — дейди 65 ёшли ҳайдовчи Анвар Бозорбоев. — Чуқурликдан олиб қочамиз ёки ёнингиздаги ҳайдовчи бир сабаб билан сиз томон автомобиль рулини буриб юборади. Кейин мажбур бўласиз қонда бузишга. Бугунги ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузганлик бўйича жарималарни тўлашнинг ўзи бўлмайди. Ҳар куни йўлга чиқишга мажбурман. Чунки эрталаб невараларимни богчага, катталарини мактабга олиб боришим керак. Ўзларини жўната олмайман, йўлларда ҳаракат оқими жуда катта. Бу қабул қилинган янги ҳужжат билан ҳайдовчиларга тақдим этилаётган енгилликларни ўқиб жуда қувондим. Тўғрисиям-да, баъзи жойлардаги чизиклар ўзи кўринмайди-ю, лекин жаримаси келиб туради. Одамга алам қилади-да ахир. Адолат бор экан, мана энди бу қарор нафақат жарималарни қаматиради, балки тирбандликларнинг ҳам олдини олади деб ўйлайман.

Мамлакатимиздаги барча янгиланиш жараёнлари, ислохотлар асосида “Инсон қадри учун” тамойили ётибди. Бунинг учун, аввало, аҳоли билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиб, муаммолар, камчиликларни бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатлари рўбига чиқарилишини таъминлаш бош мақсадга айланди.

Амалга оширилаётган ислохот ёки жорий этилаётган янги тартиблардан мақсад аҳолига наф келтириш, одамлар оғирини енгил қилиш бўлиши керак. Бунинг натижаси халқни рози қилиш билан ўлчанади. Бу бугун юритилаётган сиёсат талаби.

Гоҳида одамларнинг ушбу масала Президентга етиб борса, муаммо бартараф бўлади деган гаплари қулогимизга чалинади. Ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама қилинган масалаларга давлатимиз раҳбари томонидан изоҳ, ечим бўйича тегишли топшириқлар берилгани билан боғлиқ мисоллар жуда кўп.

Аҳолининг йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ турли жарималарга нисбатан билдирилаётган ҳақли эътирозлари ҳам Президентимиз томонидан бир неча бор кўрсатиб ўтилган. Бунинг натижаси Вазирлар Маҳкамасининг номи юқорида қайд этилган қарори бўлди. Бу қарор бевосита аҳоли эҳтиёжи, сўровлар ва баъзи эътирозларидан келиб чиққан масалаларни ўз ичига олиб, уларнинг ечимларини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

— Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролар ва ҳайдовчилар фикрларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириб боришмоқда, — дейди ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Эрали Бозоров. — Чунки йўл ҳаракатини тартибга солишдаги айрим нормалар фуқаролар эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу қарор жамоатчилик фикри инобатга олиниб, уларни бугунги кунда қийнаб келаётган масала ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилди. Иш жараёнида йўл-транспорт ҳодисалари таҳлиллари, тегишли вазирлик ва идоралар фикр ва мулоҳазалари ўрганилди. Бугунги кунда юртимизда транспорт воситалари ва аҳоли сонини ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда жуда катта масъулиятни талаб қилади. Шу билан бирга, йўл инфратузилмасини ҳам ривожлантириш зарур.

Аслида, ҳаққоний ёзилган жаримага ҳайдовчи ҳам, пидеа ҳам эътироз билдирмайди. Лекин яхши кўринмайдиган, сунъий қўйилган тўсиқ ёки автомобилни жиддий шикастлашиши мумкин бўлган чўқурда айланб ўтаётганда ҳамда бошқа ҳолатларда йўл чизигини босишга жарима қўллаш адолатдан эмас. Аини масалага аҳоли томонидан ҳақли равишда эътироз билдириб келинаётган эди.

ИИВ маълумотларига кўра, фото-видео қайд этиш техник воситалари орқали биргина йўл чизиклари билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан ўтган йилда 3,3 миллион ҳайдовчи биринчи чорагида 884 минг ҳайдовчига нисбатан жарима қўлланилган.

Қарорга мувофиқ, жорий йил 1 июндан бошлаб йўлнинг қатнов қисмидаги чизикларни босиш ҳолатларини фото-видео воситалар орқали расмийлаштириш тартиби бекор қилинади.

— Ижтимоий тармоқ фаолиман. Кузатишларим давомиди тармоқларда эътирозлар ва тушунмовчиликларга сабаб бўлаётган айрим қондабузарликлар ҳақидаги гап-сўзлар жуда кўп тарқалган эди, — дейди блогер Аскар Жуманиёзов. — Мисол тариқасида айтиб ўтишим керакки, чорраҳалардаги фото ва видео қайд этиш воситаларидан йўл чизиклари сабаб келаётган жарималарнинг аксарияти адолатсизликдан бошқа нарса эмас. Чунки ҳайдовчи мажбуран босишга тўғри келган ҳолатлар кўп. Бунга кўпчилигимиз гувоҳ бўлганмиш ёки бевосита ана шу қондабузарлик сабабчисиимиз.

Энди йўл чизикларини босиб қондабузарлик содир этиш ҳолатларини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш



дастурий-техник воситалари орқали қайд этишга йўл қўйилмайди. Тўхташ чизиги — “стоп-линия” бундан мустасно экани белгиланган бўлади.

Яъни ҳайдовчи чизикни босиб олса, бу қондабузарлик фоторадар ёки видеокамера орқали қайд этилмайди, демак, автоматик равишда жарима ёзилмайди. Лекин ИПХ ҳодими томонидан аниқланганда, қондабузарлик ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

Одатда дам олиш кунлари саёҳатга чиқамиз. Шундай вақтда энг кўп асабимизни кид

07:00 дан 21:00 га қадар амалга оширишга (дам олиш кунлари, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно) йўл қўйилмайди.

— Хорижий тажриба ва фуқаролар фикрини инобатга олган ҳолда йўлларда таъмирлаш ёки йўл чизикларини чизиш билан боғлиқ ишларни тўғри вақтларда амалга ошириш белгиланган, — дейди Э.Бозоров. — Бундай ишлар фақат кечаси, йўллардаги ҳаракат қамайган вақтда амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, тирбандликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.



лометрлаб қўзилган сунъий тирбандликлар бузади. Сабаби қаердадир йўл таъмирланганди ёки йўлга чизик тортилмоқда. Бундай таъмир ишларини оддий иш кунларида ҳам қилиш мумкин, аслида.

Қарорда бу масалага ҳам ечим берилди. 2025 йил 1 июндан бошлаб шаҳарлар автомобиль йўлларида таъмирлаш ёки йўл чизикларини чизиш билан боғлиқ ишларни соат

дан огоҳлантириш берилади. Огоҳлантириш бир йил ичида фақат бир мартаба берилиши мумкин.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг олти модаласида кўзда тутилган қондабузарликларни содир этган шахслар маъмурий огоҳлантирилиши белгиланади. Хусусан, транспорт воситасини бошқариш вақтида мобил алоқа воситасида гаплашиш, видеодастурларни томоша қилиш мақсадида мониторинг фойдаланиши, “Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” қоидаларини бузиш, мажбурий сўғурта талаблари ва пидедалар йўл ҳаракати қоидаларини бузиш шулар жумласидан.

Мазкур чора йўл ҳаракати билан боғлиқ айрим енгил турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан инспектор томонидан қўлланилиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат. Таққилловчи ёки тезлини қамайтирувчи белги қўйилиб, устига-устак камера ўрнатилган бўлса, амал қилишга мажбурсиз. Гарчи кечаси соат 00:01да темир йўлдан поезд ўтмаётган бўлса-да.

Бугунги кунда автомобиль йўлини кесиб ўтувчи айрим темир йўлларда ҳафта ёки кун давомиди вагонлар ҳаракатланмасда-да, ҳайдовчилар белги олдида тўхташга мажбур ва напикада узун тирбандликлар юзага келмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳрининг Фарғона йўли кўчаси (кўпник олдида), Чўпонота ва Шота Руставели кўчалари кесилишма, Кичик халқа йўли (Қушбеги) сингари йиррик йўлларда зарурат бўлмаса-да, ҳайдовчилар тўхташга мажбур.

Қарор билан автомобиль йўлларидан ўтган айрим темир йўл кесилишларида “Стоп” белгилари бошқарилувчи светофорларга алмаштирилиши белгиланади.

Шунингдек, жамоат транспортини учун ажратилган йўлларда соат 23:00 дан 06:00 га қадар бошқа транспорт воситаларининг

ҳаракатлинишига “Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгиларига қўшимча равишда уларнинг амал қилиш вақтини ўрнатган ҳолда ушбу ҳудудда тунги ёки бошқа вақтга тўхтаб туришга рўхсат берилади. — Жамоат транспортга устуворлик бериш, тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида автомобиль йўлларида алоҳида “А” тасмали йўлақлар ажратилган, — дейди Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси ахборот хизмати бошлиғи Фирдавс Хайриддинов. — Бу йўлақлар автобуслар ҳаракати учун ажратилган, яъни бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатлиниши тақиқланган.

Қарорга кўра, эндиликда соат 23:00 дан бошлаб деярли барча автобус йўналишлари ўз ишини тугатишини ҳисобга олиб ҳамда қўшимча қулайлик яратиш мақсадида бошқа транспорт воситаларига соат 23:00 дан 06:00 га қадар алоҳида ажратилган тасмаларда ҳаракатлинишига рўхсат берилади.

— Мазкур қарор билан ҳудудларни ўрганиб чиқиб, унинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, кўчаларда ўрнатилган “Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгиларининг мақсадга мувофиқ ўрнатилгани нуқтани назардан тўлиқ қайта кўриб чиқилиши белгиланди, — дейди ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқарма бошлиғи Анвар Абдуллажонов. — Жумладан, зарурат бўлмаган жойларда ўрнатилган йўл белгилари демонтаж қилинади, уларнинг амал қилиш вақтини кўрсатувчи қўшимча ахборот белгилари ўрнатилади.

Эслаб ўтиш керакки, қўшимча ахборот белгиларида белгиланган вақтдан ташқари ҳолатда тўхтаб туриш қондабузарлик ҳисобланмайди. Қарор билан шу белгиларда кўрсатилган амал қилиш вақтидан ташқари пайтда транспорт воситаларининг тегишлича тўхташи ҳамда тўхтаб туришига рўхсат берилади. Масалан, “Тўхтаб туриш тақиқланган” белгисининг тағдида амал қилиш вақти соат 07:00 – 21:00 деб кўрсатилган бўлса, транспорт воситалари ушбу белги ҳудудида соат 21:00 дан 07:00 га қадар бемалол тўхтаб туриши мумкин бўлади.

— Мен яшайдиган уй ёнидаги давлат ташкilotи олдида “Тўхташ тақиқланган” йўл белгиси бор, — дейди ҳайдовчи Санъат Шокиров. — Табиийки, биз ўша уйда яшовчилар автомобиллимизни яшаш жойимизга қўямиз. Ачинарлиси, менга машинани уйимнинг олдида қўйганим учун жарима келди. Бу қарордан ҳурсандимиз шунданки, энди бемалол кечки пайтдан эрталабгача, яъни белгиланган вақт оралиғида бундай имкониятдан фойдаланишим мумкин. Мен ва менга ўхшаган ўша ерда яшовчилар учун бу жуда қулайлик бўлди.

Шунингдек, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб ҳаракат тезлигини назорат қилишга мўлжалланган ҳар қандай турдаги стадио-нар ва мобил радарлар жойлашган ҳудудда ва унғача камида 250 метрдан кам ҳамда 500 метрдан кўп бўлмаган ҳудудда “Радар” йўл белгисининг ўрнатилиши мажбурий бўлади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ: — ИИВ томонидан 2025 йил якунига қадар чорраҳа ва йўллардаги барча махсус техника воситалари тўлиқ хатловдан ўтказилади; — хатлов натижалари бўйича ўзбошимчалик билан ёки белгиланган тартибга риоя этмаган ҳолда ўрнатилган, техник ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган техника воситалари демонтаж қилинади;

— ҳайдовчилар томонидан тезликни ошириш ҳолатлари қўллаб қувватланаётган ҳудудларда автомашиналарнинг айна вақтдаги тезлигини кўрсатиб огоҳлантирувчи электрон таблолар ўрнатилади;

— тадбиркорларнинг махсус техника воситаларидан фойдаланишда шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш, суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чоралари кўрилади;

— тадбиркорлик субъектларининг ахборот базалари ва сервер қурилмалари “Хавфсиз шаҳар” маркази бошқарувида ўтказилади; — Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида фото-видео қайд этиш тизимларини фойдаланиш янада такомиллаштирилиб, “Хавфсиз шаҳар” маркази томонидан техник назорат ва мониторинг тизими қучайтирилади, — дейди ИИВ “Хавфсиз шаҳар” тизимларини ривожлантириш маркази директори Улуғбек Куланов. — Яъни давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда фото-видео қайд этиш тизимларининг белгиланган янғича талабларга мувофиқ ишлаши таъминланади.

Жорий йил якунига қадар тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган фото-видео қайд этиш тизимларининг маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш қурилмалари ҳамда дастурий таъминоти босқимча-босқим “Хавфсиз шаҳар” маркази бошқарувида ўтказилади. Тизимларни узлуксиз мониторинг қилиш орқали уларнинг иши тўғридан тўғри ҳамда маъсавий равишда доимий назорат қилиб борилади.

Бугунги кунда муҳим масалалардан яна бири — мактаб ва мактабгача таълим ташкilotлари атрофида соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатлиниш мумкинлигини кўрсатувчи белги. Тартибга кўра, бу белгига ҳар қандай вақтда амал қилишга мажбурсиз. Лекин дам олиш кунлари, кечки пайт, таътил пайтлари, яъни таълим муассасаларида болалар бўлмаган вақтда ҳам бу қондага амал қилиш мантиқсизликдан бошқа нарса эмас.

Шунинг учун ҳам эндиликда мактаб ва мактабгача таълим ташкilotлари атрофидаги йўлларда йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланган тезлик чегарасини дам олиш кунлари, таътил даврларида ва 19:00 дан 07:00 гача вақт оралиғида ушбу аҳоли пункти учун рўхсат этилган умумий тезлик чегарасига асосан бошқа ҳаракатлинишга рўхсат берилмоқда.

Кўриниб турибдики, бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин одамлар қундалик ҳаёти давомидида дуч келадиган қўллаб масалалар бор. Булар аҳолининг вақти, асаби ва чўнтагига, пировардида умумий самардорликка таъсир қилади. Шу маънода айтидиган бўлсак, қабул қилинган қарор билан катта муаммоларга етаклайдиган кичик муаммолар бартараф этилмоқда.

2025 йил 1 июндан бошлаб:

ЙўЛНИНГ ҚАТНОВ ҚИСМИДАГИ ЧИЗИҚЛАР билан белгиланган талабларга риоя этмаслик ҳолатларини ҳар қандай махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари (кейинги ўринларда — махсус техника воситалари) орқали ҚАЙД ЭТИШГА;

шаҳарлар автомобиль йўлларида таъмирлаш ёки йўл чизикларини чизиш билан боғлиқ ишларни СОАТ 07:00 ДАН 21:00 ГА ҚАДАР АМАЛГА ОШИРИШГА (дам олиш кунлари, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган алоҳида ҳолатлар бундан мустасно)

ЙўЛ ҚўЙИЛМАЙДИ.

Шунингдек:

СОАТ 23:00 ДАН 06:00 ГА ҚАДАР йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмас бор йўлда БОШҚА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАНИШИГА;

АМАЛ ҚИЛИШ ВАҚТИНИ кўрсатувчи қўшимча ахборот белгиларига эга “ТЎХТАШ ТАҚИҚЛАНГАН” ва “ТЎХТАБ ТУРИШ ТАҚИҚЛАНГАН” йўл белгилари жойлашган ҳудудда уларнинг амал қилиш вақтидан ташқари пайтда транспорт воситаларининг тегишлича ТЎХТАШИ ҳамда ТЎХТАБ ТУРИШИГА;

МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ атрофидаги йўлларда йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланган тезлик чегарасини ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ, ТАЪТИЛ ДАВРЛАРИ ва 19:00 дан 07:00 га қадар ВАҚТ ОРАЛИҒИДА ушбу аҳоли пункти учун рўхсат этилган умумий тезлик чегарасига асосан бошқа ҳаракатлинишга РЎХСАТ БЕРИЛАДИ.

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб:

ҲАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШГА мўлжалланган ҳар қандай турдаги СТАЦИОНАР ВА МОБИЛЬ РАДАРЛАР жойлашган ҳудудда ва унғача камида 250 метрдан кам ҳамда 500 метрдан кўп бўлмаган ҳудудда “РАДАР” ЙЎЛ БЕЛГИСИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ МАЖБУРИЙ ҲИСОБЛАНАДИ.

2025 йил 1 сентябрга қадар:

жойлардаги ўрганишлар асосида йўллар бўйида жойлашган мактаб ва мактабгача таълим ташкilotлари атрофида соатига 30 КИЛОМЕТР-ДАН ОШИРМАСДАН ҲАРАКАТЛАНИШ МУМКИНЛИГИНИ кўрсатувчи йўл белгилари ҳамда бунга қатъий риоя этишини таъминловчи махсус техника воситаларини ўрнатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилади.

ИККИ ОЙ МУДДАТДА йўл ҳаракати қоидаларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

УЧ ОЙ МУДДАТДА жойлардаги таҳлил ва ўрганишлар асосида барча “Тўхташ тақиқланган” ва “Тўхтаб туриш тақиқланган” йўл белгиларининг мақсадга мувофиқ ўрнатилгани нуқтани назардан тўлиқ қайта кўриб чиқиш, зарурат бўлмаган жойларда ўрнатилган йўл белгиларининг демонтаж қилинишини, шунингдек, уларнинг АМАЛ ҚИЛИШ ВАҚТИНИ КЎРСАТУВЧИ ҚЎШИМЧА АХБОРОТ БЕЛГИЛАРИ ўрнатилиши таъминланади.

ОЛТИ ОЙ МУДДАТДА ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ билан биргаликда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориш ҳолатлари қўллаб қувватланаётган ҳудудларда транспорт воситасининг жорий тезлигини кўрсатувчи огоҳлантирувчи электрон таблолар ўрнатилиши ва ба амалиёти кейинчалик ўрганишлар асосида ҳар йил якуни бўйича тасдиқландиган дастурга кўра бошқа ҳудудларда амалга ошириб борилиши таъминланади.



СУПУРИЛГАН ИЗЛАР

ЁХУД ШАҲАР ҚАЛБИНИ ТОЗАЛАЁТГАНЛАР

Соат тонгги 6:30 да телефоним жиринглади. Қўққис қўнғироқдан юрагим ҳапқириб турдим, гўшакини кўтарсам, кимдир адашиб тушибди. Хотиржам бўлиб ўрнимга ётдим. Уйқум ўчиб кетди, қанча уринсам ҳам қайтиб ухломмадим. Туриб хонани бир мундат айландим, қаҳва дамлаб, дераза ёнидаги иш столимга ўтирдим. Нимадир ёзишга уриндим, бўлмади.



Абу Бакир ЎРОСОВ,
журналист

Илиқ шаббода ярим очик дераза пардасини охишта силайди. Кимдир ширин уйқуда, кимдир бирор юмуш билан йўлга отланмоқда. Тун билан тинмаган машиналар овозида бошқа шовқинлар ҳам қўшила бошлайди. Шаҳарда ҳаёт жонланади.

Ташқарига маъносиз қараб ўтирар эканман, катта йўл четини тозалаётган ободонлаштириш ходимига кўзим тушди. Кейин беҳтиёр ишини кузатиб ўтирдим. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, лекин унинг астойдил ишлаётгани, йўл бўйидаги ариқларини ҳам қирғитишлар тозалаётгани диққатимни тортди. Атрофда ҳеч ким йўқ, ҳеч ким тепасида туриб иш буюрмапти (одагда тепасида кимдир туриб ишлатса, шунақа меҳнат қилишди).

Унинг ўз уйини тозалаётгандек берилиб ишлаганини деразадан томоша қилиш ўзимга наъша қилди ва яна битта қаҳва дамлаб, пастга тушдим. Яқинлашиб, салом бердим ва қаҳвани унга узатдим.

Саломимга алик оларкан, озгина орқага тисарилиб, савол мазмунини менга қаради.

— Ҳорманг, чарчамасдан ишлаяпсизми?

— Бор бўлинг, раҳмат, ўғлим, — деди ёшларини элликлар атрофидаги аёл устидаги тўқ сариқ кийимига ёпишган чанглари қоқар экан.

— Саҳарлаб ишга чиқибсиз-да, эртароқ ишни тугатиб кетасизми? — дедим уни сўхбатга тортиш учун.

— Йўқ, — деди аёл, — кун бўйи ишлаймиз, лекин эрталабки иш унумли. Қолаверса, одамлар кўзгалгунча шаҳар тоза бўлса яхшида, — дея яна ишга унади.

“Қаҳвани ичиб олинг иссиғида, опа. Кейин давом эттираверасиз”. Ҳам илтимос, ҳам илтифот оҳангидидаги ушбу тақлифидан сўнг иккаламиз йўл бўйидаги ўриндиққа ўтирдик ва сўхбатимиз давом этди. Англаганларим шу бўлдики...

Фаррошлар — шаҳарнинг нафаси. Олаётган нафасимиз қанчалик зарур ва керакли бўлса, шаҳар учун фаррошлар ҳам шунчалик муҳим! Уларсиз шаҳар ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир тоза кўча, бог, хибон ва жамоат жойи уларнинг бир қарашда кўзга кўринмасдек, лекин машаққатли меҳнати эвазига сакланмоқда.

Бирортасининг бир кун ишга чиқмаганини ўша ҳудуднинг аҳолидан билса бўлади. Агар уларнинг ҳаракати ва меҳнати бўлмаса, шаҳарнинг турмуш тарзи, кўриниши ва одамларнинг руҳий аҳоли ҳам бузилиши мумкин. Ҳа, тўғри ўқидингиз, одамларнинг руҳий аҳоли ҳам бузилади. Мақолада бу масалага алоҳида тўхталамиз.

Зулайхо опа эрта саҳардан ўрнидан туриб иссиқ чой дамлайди, нонушта қилади. Қолганини тартиблаб, устини ёпиб, кийиниб кўчага чиқади.



У ободонлаштириш бошқармасида фаррош бўлиб ишлайди. Ҳар кун соат 6:30 да уйғонади. Эри инсулът бўлган, ўғли чет давлатда, қизлари турмушга чиққан. Ҳар кунги юмуши — кўчаларни супуриб, тозалайди. Қўшнинг қаттиқ совғида бўладими, ёзининг жазирамасими, фарқи йўқ, ўз вазифасини астойдил бажаради. Унинг иш ҳақи эса арзимас — ойига 2,5 миллион сўм атрофида. Бу

пул билан уй-рўзгор, дори-дармон, электр, сув, газ ҳақини тўлаш — ўзига хос математика.

Қайноқ қаҳвадан хўплар эканман, Зулайхо опанинг қадоқ кўлларига кўзим тушди-ю, компьютер тугмачаларини босишдан нарига ўтмай, нозиклашиб кетган кўллариمنى бекитдим.

Камситиш ва бузилган ижтимоий адолат

Ҳар қандай жамиятда камситиш ва ижтимоий адолатнинг бузилиши, энг аввало, унинг энг заиф қатламларига тааллуқли бўлади. Негадир одамлар фаррош, кунлик ишчи, кўча супурувчи, тозалик хизматчилари каби қатламларга қандайдир бевътибор муносабатда бўлади. Баъзи ҳолларда эса фаррошлар ҳақоратлар, беҳурмат муносабатларга учрайди. Аксариятимиз кўчамизни тозолагани учун ўша фаррошга ҳеч қачон миннатдорлик билдирмаймиз, балки кўчанинг тозаланганини ёки турли чиқиндилар борлиги учун танбех берганимиз бор гап.

Тахлилларга кўра, меҳнат бозорига ушбу қатламнинг имкониятлари чекланган. Фаррош, кунлик ишчи ёки тозалик хизмати ходими учун йиллик истироҳат, қўшимча рағбатлантирув, касбий ривожланиш имконияти деярли йўқ. Ёнг ёмони — уларнинг иш ҳақи ҳам турмуш учун етарли эмас.

2023 йил якунлари бўйича тайёрланган ҳисоботларга кўра, мамлакатимизнинг айрим шаҳарларида тозалик хизматчиларининг ойлиги 1,5-2 миллион сўм атрофида бўлган. Бу маблаг билан оила боқиш, фарзанд ўқитиш, коммунал тўловларни тўлаш, зарур бўлганда тиббий харажатларни қоплашни ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

Қолаверса, жамиятдаги ижтимоий имтиёзлар ҳам улар учун деярли мавжуд эмас. Жамоат транспортда бепул юриш, фарзандларини болалар богчасига навабтсиз ё қандайдир имтиёз билан қўйиш, мактабга қўшимча ёрдам, тиббий сугурта — буларнинг аксарии ушбу қатлам учун йўқ ёки жуда оғир шартларда.

...Зулайхо опа билан шулар ҳақида сўхбатлашиб ўтирар эканмиз, йўл четига ҳозиргина йиғиб қўйган чиқинди уюмидан норози бўлган бир хайдовчи уни ҳақорат қилиб ўтди кетди, опа жим.

— Фақат кечкурун уйга бориб кўзимга ёш келади, — дейди Зулайхо опа. — Чунки оила боқаман, турмуш ўртоғим соғ пайтида ахролимиз анча яхши эди. Ҳозир ҳам ёмон эмас, у даражада нолийдиган, оч қоладиган аҳволда эмасмиз. Топганим рўзгорга етиб туради. Лекин жамиятимизда, атрофимизда мана шунга ўхшаган инсонларнинг кўпчилигини юрагим эзилади.

Энг оғири — эътиборсизлик

Фаррош ва кунлик ишчиларга эътибор ва муносабатни ўзгартириш фақат меҳр-муруват эмас, жамиятдаги умуминсоний қадриятларини тиклаш масаласи ҳамдир. Ҳар қандай тоза шаҳар ортда бир инсоннинг қадоқ кўли ва юрғи турганини англаш, унга эътибор қилиш ҳар бир фуқароннинг виждон вазифасидир.

Зулайхо опа билан бир соатлар атрофида сўхбатлашдик. Шу вақт ичиди иш кўлами, яратилган шартлардан нолимади. Тўғри, ўйнаб-қулиб пул топадиган иш эмас, лекин ҳақиқий меҳнат, қалб билан дардлашиб ишлайдиган жараён экан.



Хитойнинг баъзи шаҳарларида фаррошлар учун алоҳида “Қаҳрамонлар кўни” ўтказилади ва улар шаҳар раҳбарияти томонидан эътироф этилиб, турли совғалар билан тақдирланади.

2022 йилда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида шаҳар тозалик хизмати ходимлари учун янги турдаги ижтимоий ҳимоя дастури ишлаб чиқилган. Унда уларга йиллик тиббий кўрик, фарзандлари учун таълим имтиёзлари ва маоши билан бирга рағбатлантириш тўловлари ҳам белгиланган. Натижада жамиятда уларнинг нуфузи ошиб, эътибор кучайди.

Фаррошлар ҳақида ижтимоий фикрни ўзгартириш фақат давлатнинг эмас, балки ҳар бир инсоннинг маънавий бурчидир. Агар жамият ҳақиқий тенглик ва инсонийликни тарбия қилмоқчи бўлса, биринчи навбатда, шундай қатламларни қадрлашга бошлаши керак.

Хаёлимдан ўтган шу фикрлар билан мамлакатимизда ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг моддий-техник таъминоти, маънавий жиҳатдан қанчалик таъминлангани тўғрисидаги маълумотлар билан қизиқдим. Шу пайтгача соҳада малакали кадрлар етишмаслиги, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш паст даражада экани, шунингдек, тасвирчан жамоатчилик назорати йўқлиги қатор муаммоларга сабаб бўлиб келаётган экан.



Президентимизнинг 2019 йил 4 июндаги ҳамада 2021 йил 2 апрелдаги тегишли қарорларида ободонлаштириш бошқармаларининг куч ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ишини оптималлаштириш, қўл меҳнатини камайтириш, шунингдек, ободонлаштириш соҳасидаги ишларни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий вазифа ва йўналишлари белгилаб берилган.

Мазкур қарорлар бўйича қилинган ишлар натижалари билан қизиққанамиз қуйидаги маълумотларга дуч келдим. 2020-2024 йиллар даврида туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлаш параметрлари қабул қилиниб, 1423 та техника ва механизм харид қилиниши белгиланган. Шундан 2020-2022 йилларда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1039 та техника ва механизм харид қилинган. Бунинг учун 374,9 миллиард сўм йўналтирилган.

Ободонлаштириш ходимларига муносиб меҳнат шартларини яратиш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам мазкур ҳужжатларда белгилаб берилган. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамада вилоятларининг шаҳар, туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткаси миқдорлари Тошкент шаҳри туман ободонлаштириш бошқармалари ходимлари учун назарда тутилган миқдорлар билан тенглаштирилган, республиканинг шаҳар ва туманлар ободон-

Уйғоқ фикр



хос соғлиқни сақлаш хизматлари берилган. Шунингдек, ишчиларнинг шахсий вақтини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хиндистонда эса фаррошлар ҳамда кунлик ишчиларнинг ишлаш шартлари катта ва кичик шаҳарлар орасида сезиларли фарқ қилади. Меҳнат шартлари ва иш ҳақи паст бўлган ёки нотўғри ишлаш шартларига эга бўлган мамлакатлардаги ишчиларнинг ҳаёти аниқ кўринади.

Бу давлатда ҳам фаррошлар ва кунлик ишчилар учун қонуний мавжуд, аммо уларнинг амалдаги ижроси ва мутлақ ҳуқуқларига риоя қилиш аниқ эмас. Кўпинча ишчилар оилавий ҳаёти билан боглиқ қатор ижтимоий камситишлар ва иш шартларидаги муаммолардан ташқари қонуний ҳимоялар билан ҳам таъминланмаган. Бу ишчиларнинг ижтимоий бандчилигини янада оғирлаштиради.

Бразилиянинг айрим ҳудудларида эса ишчиларнинг меҳнатга онд ҳуқуқ ва шартлари ҳар хил. Ўз вақтини эркин ишлашга, тенг тақомил ва шароитлар олишга муваффақ бўлишга қарамай, кўпинча фаррошлар ўз ҳақларига эҳтиёж сезади. Айниқса, ижтимоий камситишлар ёки иш шартларида қўйилган чекловлар сезиларли муаммоларни пайдо қилади.

Халқаро миқёсдаги мисолларга мурожаат қилганда иккитадан ривожланган ва кам эътиборда бўлган давлатни қиёсга тортидик. Мақсад — юртимизда мазкур соҳага эътиборни тўғри талкин қилиш.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шаҳар тозалиги нафақат эстетик масала, балки соғлиқ ва жамият маданиятининг белгиси ҳамдир. Бироқ бу тозаликнинг ортда қандай меҳнат борлигини англаш ва уни қадрлаш кўп ҳолларда эътибордан четда қолади. Юлдузли концертлар, йирик сиёсий тадбирлар, байрамлар, тўйлар каби кўп сонли одамлар йиғилган идиҳомлар тугатса, саҳна ёпилса, одамлар тарқалгандан кейин саҳна ортда фаррошлар қолади. Айнан улар кечаги шодлигу қувончдан қолган барча сариштазиз ишларни супуриб, эртанги кунга тайёрлайди.

Икки минг изга бир супурги

Шаҳарнинг кўзга кўринмас, аммо асосий меҳнаткашлари бўлган бу касб вакиллари соғлом жамиятнинг ўзгармас қисмидир. Бугун қайси бир ҳудудга қай фасл ёки вақтда борманг, ушбу ташкилотнинг захматкаш ходимларини йўллар четига, жамоат жойларида ободонлаштириш ишлари билан машғул ҳолатда учратасиз.

Амалдаги меҳнат қонунчилигимизга биноан иш берувчи ҳамада ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаларига мувофиқ, иш берувчилар томонидан ходимлар ўз вазифасини бажариши учун барча шароит яратиб берилиши лозим.

Лекин кўча ва хибонларни ободонлаштиришга маъсум бўлган ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, яратиб берилган иш шартлари ҳамда ойлиги бошқа касбларга нисбатан қониқарсиз.

Бундай дейишимизга сабаблар бор, албатта. Хусусан, ходимларнинг тушлик қилиши учун етарли шароитлар яратиб берилмаганига жуда кўп кўзимиз тушди. Улар ўзлари ишлайётган жойларда, гигиеник талабларга амал қилмасдан овқатланишга мажбур бўлади. Қолаверса, меҳнат қонунчилигида уларнинг иш вақти аниқ белгиланмаган ёки меҳнат шартномасида белгиланган нормаларга амал қилинмайди. Чунки ёз фаслида эрталаб соат 06:00 да ёки кечки 19:00 дан кейин ҳам уларнинг иш билан бандлигига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Иш вақтидан ташқари соатларда ҳам уларни тез-тез чақириб қолишади. Байрамлар арафасида ёки турли тадбирлар, ҳазоррегги вақтида эса иш юки икки-уч баробар ортан бўлади.

Шу масалада маъсуллар билан боғланганимизда, Президентимизнинг 2019 йил 4 июндаги “Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги қарори билан 2020 йил 1 январдан ободонлаштириш бўлимлари ходимларига овқатланиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди компенсация тўлаб берилётганини маълум қилишди.

Албатта, бу каби ишлар соҳа ходимларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб иш шартини яратишда қўл келмоқда. Шу билан бирга, иш кўлами ортиб бораётганини ҳам қайд этиб ўтиш ўринли.

Мисол учун, 2019 йилда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидида кўкаламзорлаштириладиган ҳамда ободонлаштирилаётган майдонлар ҳажми 203 минг 569 квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, 227 минг 791 квадрат метрга етган. Яъни кўкаламзорлаштириш майдони 24 минг 222 квадрат метрга ортган. Натижада ободонлаштириш бошқармаларида мавжуд штат бирликлари иш юкларларининг меъёрларга нисбатан фарқлари сезиларли даражада ошган.

2023 йил бошидаги маълумотларга кўра, ободонлаштириш соҳасидаги ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда сарфланадиган вақт ва бошқа меъёрлар бўйича туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тегишли ҳисоб-китобларига асосан ўзгартириш киритилган.

Ушбу йўриқнома бўйича бир-биридан мустақил ободонлаштириш бошқармалари фаолияти бўйича улар тасарруфидидаги ҳудудлар қайта ҳатловдан ўтказилиб, бошқармалар кадастр ҳужжатлари ва паспортлари янгидан тасдиқланган, штат бирликлари талаби қайта ҳисоб-китоб қилинган.

Ҳисоб-китобларга асосан, 201 та ташкилотда 2019 йилда жами 53 минг 586 та штат бирлиги мавжуд бўлган бўлса, 2022 йилга келиб, ҳукумат қарорларига асосан янги ташкил этилган ободонлаштириш ташкилотлари ҳамда белгиланган меъёрларга кўра 229 та ташкилотда штат бирликлари 65 минг 575 та ташкил этди. Қарийб 12 минг минг ташкил шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига акрфатиб берилган.

Тошкент шаҳри Ободонлаштириш бошқармаси маълумотига кўра, бутун тизимда кўкаламзорлаштириш ишчиси, ирригатор, ободонлаштириш ишчиси, фаррош, хайдовчи, йўл ишчилари каби мутахассислар меҳнат қилади.

Бошқарма таркибидаги ташкилотларда 9546 ходим меҳнат қилиб, шаҳар ободлиги ва саришталиги учун маъсум ҳисобланади. Уларнинг ойлиги бутунги кунда ўртача 2 миллион 200 минг сўмдан 3 миллион 200 минг сўмгача ташкил қилади. Шаҳарнинг тозалиги учун бир кунда 3077 фаррош ва ободонлаштириш ишчиси сафарбар этилади.

Энди дўппини бошдан олиб, бир ҳисоб-китоб қилсак. Тошкент шаҳри Статистика бошқармаси берган очик маълумотларга кўра, бугун шаҳарнинг доимий аҳолиси сони 3 миллион 128 минг 458 нафарни ташкил этмоқда (2025 йил 1 апрель ҳолати). Бу рақамни бир кунда шаҳар тозалиги учун хизматга чиқадиған фаррошларга бўлсак, ҳар минг одамга бир фаррош тўғри келади. Яна ҳам аниқроғи, 2000 минг изни супуришга бир супурги.

Бу маълумотларни таҳлил қилар эканман, унинг қўлидаги супурги шунчаки меҳнат қуроли эмас, балки кўчаларнинг ишончли обод қилиб, инсонлар ҳаётига қўлайлик бағишлаган тимсол эканини ҳис қилдим. Аммо биз бу меҳнатнинг ортдаги инсон, унинг ҳаёти, орзуларини унутиб қўйгандекмиз. Уларнинг ишини яна ҳам қадрлашимиз, имкони борича қўшимча қўлайлик ва имтиёзлар жорий қилиш вақти келганини тушунишимиз керак.

Мазкур соҳа вакиллари учун коммунал тўловлар, жамоат транспорти, болалар богчалари ва давлат муассасаларида имтиёзли тартиблар жорий этилса, нимаси ёмон? Айниқса, қиш фаслида муз, сирпанчиқ, қаттиқ шамол, ёзининг иссиқ кунларидидаги оғир шароитларда ишлаш хавфини инобатга олиб, ҳар бир ишчига мавсумий кийим, ҳимоя воситалари ва иш ускуналарини бепул бериш мумкин эмасми?

Ёки навбатдан ташқари тиббий кўриқлар ва даволаниш имкониятини яратиб билан уларни қанчалар эъзозлаган бўлардиқ.

Ҳар бир маҳалладаги меҳнат муҳити, ишчи-ҳодимлар ҳуқуқлари ва шароитига аҳоли вакиллари ва ОАВ орқали жамоатчилик назорати ўрнатиш, маҳалла ва фуқаролар йиғинлари қошида “тозалик жамоаси”га ёрдам кенгашилари тузиш орқали имкониятларини янада кенгайтириш бўлади.

Мақолани ёзиб тугатар эканман, Зулайхо опанинг “Бизнинг ишимизни ҳеч ким билмаса ҳам майли, шаҳар тоза бўлса, жамият ҳам, одамлар ҳам фақат ахши томонга ўзгаради, мен шундан хурсанд бўламан”, деган гаплари қўлғим остида жарағаланди.

Дарҳақиқат, ҳар бир супурилган из ортда бир умр, бир тақдир, бир юрак бор. Шунинг учун ҳам жамият сифатида бизнинг бурчимиз нафақат шаҳарларимизни, балки ушбу меҳнаткаш инсонларнинг ҳаётини ҳам обод қилиш бўлмоғи зарур.

Ахир тозалик фақат супургиди эмас, аввало, қалбимизда бўлиши керак. Ҳеч бир из шунчаки супурилмайдиган. Айрим излар эса инсоннинг қалбига абадий қолади. Келинг, ушбу соҳа вакиллариининг ҳам изини, меҳнати ва орзусини қадрлайлик.

ЁШЛАР ТАЯНЧ БЎЛСА, ЭЛ ЮКСАЛАДИ

Бугун юртимиздаги ислохотлар марказида инсон, ёш авлод тақдири турибди. Таълим-тарбия тизими давлат тараққиётининг бош мезони, мамлакат келажаги пойдевори сифатида устувор аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, ҳар бир соҳа раҳбари, ҳар бир устоз ва таълим фидойиси учун ёшларга муносиб келажақ яратиш, билим олиши, шахс сифатида шаклланиши ва ватанпарвар бўлиб вояга етиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш нафақат бурч, балки масъулиятдир.



Шохрух ДАЛИЕВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари

Жорий йил 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада оширишга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълимнинг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш, ўқувчи ва ўқитувчи манфаатларини ҳимоя қилиш, энг муҳими, ёш авлод учун муносиб ўқитиш муҳитини яратишга қаратилган қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Термиз давлат педагогика институти мисолида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш ҳақида гапирар экан, бутун педагогика олийгоҳлари учун янги стратегик йўналишни белгилаб берди. Бу жараёнда кучли хориж олий таълим муассасалари — Мюнхен техника университети ва Кембриж университети — энг яхши таълим дастурлари асос қилиб олинди.

Мақкур олий таълим ташкилотлари таълим ва илмий салоҳият бўйича катта муваффақиятга эришган. Жумладан, Мюнхен техника университети асосан техника, муҳандислик ва табиий фанлар йўналишида инновацион ёндашув ва амалий таълим беришда катта тажрибага эга. Бу муассасада талабалар назария билан бирга сановат ва технология

талабларига мос билим ҳам олади. Шунингдек, университет сановат қорхоналари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган, ёшларга ўз соҳасида амалиёт ўташ ва тажриба тўплаш имкони мавжуд. ОТМдаги тадқиқот марказлари эса янги ғоя ва инновациялар яратишда муҳим ўрин тутди.

Билим сифатини оширишга йўналтирилган бу сай-ҳаракатлар орқали ёшларга нафақат назарий билим, балки амалиётда қўлланадиган кўникма ҳам берилади. Масалан, фанлар сони ва йўналишларини камайтириш, ўқув юкласини қисқартириш, талаба учун зарур ва муҳим йўналишларга эътиборни кучайтириш лозим. Бу эса таълим сифати ошиши, талабалар билими ва салоҳиятининг тўлиқ очилишига хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат педагоглар малакасини оширишдир. Хорижий тил сертификатига эга ўқитувчиларни Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби илгор давлатларга юбориш, уларнинг халқаро стандартларга мос таълим усуллариин ўрганишини таъминлаш бугун давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланди. Шу тариқа мамлакат бўйича педагоглар малакаси оширилади.

Бу ислохотлар нафақат таълим тизимини модернизациялаш, балки жамиятда билимга муносабатини ўзгартиришга хизмат қилади. Ёшларга бутун фақат билим бериш кифоя қилмайди. Уларни мустақил фикрлаш, масалага ижодий ёндашиш ва янги имкониятлардан фойдаланишга ўргатиш ҳам зарур. Бунинг учун ўқув жараёнига замонавий технологиялар, сунъий интеллект ва инновацияларни кенг жорий этиш керак.

Ҳар бир муаллим нафақат билим берувчи, балки ёшларга раҳбар, устоз ва ҳаётда йўл кўрсатувчи бўлиши лозим. Зеро, таълим фақат фанлар йиғиндиси эмас, балки шахс тарбиячиси, маънавий бойлик яратувчидир. Педагоглар ўз ишига чуқур меҳр ва масъулият билан ёндашса, ёшларда ватанпарварлик, инсонийлик ва ишонч руҳи мустаҳкамланади.

Нодавлат олийгоҳлар учун кенг шариоитлар яратилиши ёшларга янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бироқ қўлайликлар билан бирга жавобгарлик ҳам ортади. Педагогика йўналишида ўқитётган талабаларнинг асосий қисми мактабгача ва бошланғич таълимга



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ҳамда филологияга йўналтирилгани, албатта, соҳа учун муҳим, аммо илм-фан ва технологиялар ривожланаётган даврда аниқ ва табиий фанларга эътибор кучайтирилиши шарт.

Президентимиз таъкидлашча, хусусий олийгоҳлардаги педагогика йўналишлари давлат олий таълим ташкилотлариники билан бир хил стандартларга эга бўлиши зарур. Бу эса ўқитиш сифатининг умумий даражасини ошириш, ёш мутахассисларнинг замонавий соҳаларга тайёрланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, педагог ва талабаларнинг билими ташқи диагностикадан ўтказилиши сифат назоратининг самарали воситаси бўлиб, таълим жараёнидаги камчиликларни тез аниқлаш ва бартараф этишга имкон беради.

Кенг қўламли чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз таълим тизимининг барча бўғинида сифатли, замонавий ва миллий эҳтиёжларга мос кадрлар тайёрлаш йўлида мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Бу келажақда иқтисодиёт ва жамият ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Шундай экан, ҳар бир ОТМ ва педагог ўз зиммасига тушган масъулиятини англаб, талабаларни юқори малакали, инновацион фикрловчи, халқаро даражада рақобатбардош мутахассислар қилиб тарбиялаш учун тинимсиз изланиши, меҳнат қилиши зарур.

Давлатимиз раҳбарининг “Аниқ ва табиий фанлар бўйича педагогларни кўпайтирмасак, IT, “яшил” энергетика, сунъий интеллект, янги материаллар каби долзарб соҳаларга минглаб кадрларни қаердан етказамиз?”

деган мурожаати оддий эътироз эмас, балки бутун таълим тизими келажагини белгилловчи фундаментал ҳақиқатдир. Чунки замонавий дунёда ҳар бир соҳанинг илдизи таълимга, негизи эса фан асосларини пухта биладиган, янгиликка интилувчан замонавий педагогларга бориб тақалади.

IT, “яшил” энергетика, сунъий интеллект, янги материаллар — булар XXI асрнинг энг долзарб, энг истиқболли йўналишлари. Бу соҳаларда етакчи бўлиш учун бизга кучли, билимли, замонавий технологияларни чуқур тушунадиган мутахассислар керак. Аммо бу мутахассислар бир кунда пайдо бўлмайди. Уларни ким ўқитади? Албатта, мактабдаги физика, кимё, биология, математика ўқитувчилари.

Агар биз бутун шу фанларга ихтисослашган педагоглар тайёрлашни кучайтирмасак, эртага инновацион иқтисодиётимизда етишмайдиган асосий куч айнан инсон капитали бўлиб қолади. Шу боис, ҳам давлат ва нодавлат олийгоҳларда педагогика йўналишлари энди бир хил мезон — тенг рақобат, ягона сифат талаблари, энг муҳими, ёш авлод учун баробар имкониятлар яратиш асосида йўлга қўйилади. Биз порлоқ келажақни ўйласак, бутун аниқ ва табиий фанлар бўйича педагогларни кўпайтириш энг муҳим стратегик вазифамиз бўлиши шарт.

Йиғилишда Президентимиз ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича ягона тизим бўлиши керак, деб алоҳида таъкидлади. Бу сўзлар нафақат ислохотларга кўрсатма, балки юксак гамхўрлик, юрт келажаги учун чуқур масъулият ҳисси билан айтилган мурожаатдир. Зеро, ёшлар таълим олсин, тарбия топсин, билим билан қуроллансин, бўш вақтини фойдали машғуллотлар билан ўтказсин. Айнан шулар орқали биз тараққиётга, хавфсизликка ва барқарор келажаққа эришамиз.

Ўз навбатида, ушбу вазифаларни амалиётга таътиб этиш учун барча таълим ташкилотида хорижий тилларни ўқитиш, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация каби замонавий йўналишларда тўғрақлар ташкил этиш, шунингдек, ўқувчи ва талабалар ўртасида ички туризмни ривожлантиришга қаратилган янги тизим яратиш вазифаси ҳам қўйилди. Бу ташаббус ёшларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтириш, дунёқарашини бойитиш, муҳими, бўш вақтини мазмунли ташкил қилишда катта аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ёзги таътил вақтида бирорта таълим муассасаси ёпилмайдди. Улардаги спорт иншоотлари ва майдонлари ҳамда ўқув хоналарида спорт ва касбий тўғрақлар очилади. Санъат кўргазмалари, шеърлар кечалари ва интеллектуал ўйинлар ташкил этиш лозим”, деган гапларини ёшларга гамхўрлик ва амалий ечимини ўз ичига олган мукамал йўл харитаси сифатида қабул қилинишимиз лозим. Бу ёшларимизнинг ижодий салоҳияти юзага чиқиши, соғлом ва фол ҳаёт тарзини шакллантирадиган кенг имкониятлар эшигини очишга хизмат қилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги жамоаси ушбу вазифалар ижросини таъминлашга тўла масъулият билан ёндашмоқда. ОТМлар ҳузурида ёзги таътил даврида ҳам таълим-тарбия жараёнлари, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт ва маданият тўғрақлари фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратилляпти.

Бугуннинг талабига мос равишда олий таълим ташкилотларида таълим-тарбия муҳитини соғлом, илгор ва фол ташкил этиш келажақ бунёдкорларини вояга етказишга қаратилган узвий жараёндир. Ёшларимизни қандай муҳитда тарбияласак, эртанги жамият ҳам шундай шаклланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, талабаларнинг ёзги таътилин мазмунли ташкил этиш бўйича аниқ ва амалий чоралар белгиланди. Ҳозир барча ОТМларда ёз ойларида спорт тўғрақлари, замонавий касбий кўникмаларга оид машғуллотлар, чет тиллар, дастурлаш, график дизайн ва анимация бўйича ўқув курслари йўлга қўйилляпти. Талабаларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида адабий кечалар, интеллектуал бешлашувлар, театрлаштирилган чиқишлар ва санъат кўргазмалари ташкил этилади. Шунингдек, юртимизнинг тарихий, маданий ва табиий гўзал ҳудудларига саёхатга жалб этиш орқали талабалар қалбида ватанпарварлик ва фахр туйғусини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Ички туризмни ривожлантириш, маданий ва тарихий обидаларга саёхат уюштириш орқали талабалар ўз ватани билан яқиндан танишади, ифтихор ҳисси, ватанпарварлик руҳи янада мустаҳкамланади. “Ватан бўйлаб саёхат қил!” шиори остида ўтказиладиган таширфлар юз минглаб ёшни қамраб олади.

Бундан ташқари, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллашга қаратилган турли тўғрақлар — робототехника, дастурлаш, сунъий интеллект, 3D моделлаштириш, график дизайн, видео-монтаж, стартап лойиҳалар билан ишлаш каби йўналишларда фаолият йўлга қўйилди. Бу имкониятлар юз минглаб ёшлар учун ўз қобилиятини намойиш қилиш, янги салоҳият эшикларини очишга замин яратади.

Ёз фасли илҳом мавсуми ҳамдир. Шеърлар кечалари, санъат кўргазмалари, интеллектуал ўйинлар, ижодий танловлар, ижтимоий тармоқлар учун фойдали контент яратиш лойиҳалари талабаларни руҳан бойитади. Бунда улар нафақат томошабин, балки ижодкор сифатида иштирок этади.

Ёшларнинг меҳнат бозорига ўз ўрнини топиши учун “Карьера кунлари” ташкил этилади. Мақкур тадбирлар орқали битирувчилар ўз соҳаси бўйича тўғридан тўғри иш берувчилар билан мулоқот қилади ва бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олади. Бу эса уларнинг келажагини аниқ белгиллашга замин яратади.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир фармони ва қарори замирида инсон тақдири, бахти ва келажаги турибди. Бу сиёсат марказида эса ёшлар бор. Ёшлар таянч бўлса, эл юксалади, ёшлар илмли бўлса, миллат тараққий этади.

Янги Ўзбекистонда ёшлар учун имкониятлар замони бошланган. Эндиги асосий вазифа бу имкониятларни тўлиқ рўёбга чиқариш, унинг самарасини жамият тараққиётида, ҳар бир оила бахт-саодатида намойиш этишдир.

Кун мавзуси



Инсоният бор экан, унинг тараққиётини таъминловчи таълим-тарбия каби тушунчалар ҳар бир жамиятда мавжуд бўлади. У янги тамаддулларни бошлаб беради. Зотан, тараққиёт асосини кучли иштиёқ ва ҳаракатдан аввал, албатта, илм ташкил этади. Азалий қонуният шундай — илм-фанни таянч устун деб билган жамият ва давлат асло ютказмайди. Ҳар қандай мамлакатнинг қудрати ва ривожланиш даражасини айнан таълим тизими аниқлаб беради. Ушбу тизимга муносабати эса давлатнинг келажагини белгилайди.

ЯНГИЛАНИШЛАР МАРКАЗИДА — ЎҚИТУВЧИЛАР

Озод МАМАНОВ, Иختисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Сергелі тумани иختисослаштирилган мактаби маслаҳатчиси:

— Таълим дастурлари янгиланди, бироқ ўқитувчи малакаси негандир ўша-ўша. Малака ва методика янгиланишдан орқада қолади. Ушбу ҳолатлар таҳлилдан келиб чиқиб, яқинда мактаб таълими юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида шу муаммоларни тубдан ҳал қилишга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастурини бошлаш ва “Гарвардчилар мактаби”ни очиб бўйича катта фармон имзолаганини айтди. Ушбу муассаса Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб сифатида ташкил этилади. Бу йил 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олинди, халқаро мактабда илгор ўғиталикка кирувчи олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Бундан ташқари, Президент ва иختисослашган мактаблардан 208 маслаҳатчи умумтаълим мактабларига бириктирилади. Миллий дастур асосида маслаҳатчилар мак-



ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар замонавий тенденцияларга мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Жумладан, охириги етти йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ етти баробар оширилди. Жумладан, жорий йил учун 60 триллион сўм йўналтирилган. Мактабларда 1 миллион, боғчаларда 1,5 миллион янги ўрин очилди. Натижада қамров даражаси 3 баробар ошди, боғчаларда 78 фоизга етди. Бу, шубҳасиз, инфратузилмавий ислохотларда катта босқичдир. Бироқ маҳоратли педагоглар сифатисиз бу рақамлар қуттилган натижани бермайди.

Шу боис, яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, педагог кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

ИСЛОҲОТЛАР СОЦИАЛ ЛИФТ ВАЗИФАСИНИ ЎТАМОҚДА

Маҳфуза ОРТИҚОВА, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси менежери:

— Давлатимиз раҳбари ёшларнинг таълими, келажақ лидерларини тайёрлаш тизимига алоҳида эътибор қаратаёттир. Ёшлар ишлари агентлигининг қатор лойиҳалари, жумладан, “Ибрат фарзандлари” бугунги ўғил-қизлар учун хорижий тилларни ўрганишда йирик платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Мана бир неча йилдирки, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида иқтидорли ёшлар учун ёзги оромгоҳлар ташкил этиляпти. Оромгоҳ қатнашчилари хорижий тилларни билиш даражаси ҳамда фаоллигига кўра саралаб олинади. Шу йил 5-11 май кунлари ҳам “Ибрат дебат” ёзги оромгоҳи ташкил этилиб, унга юртимизнинг барча ҳудудидан 250 га яқин ўғил-қиз жалб қилинди. Бу каби оромгоҳларда ёшлар дам олиш билан бирга замонавий билимлар эгаллаши, келажақ лидерлари сифатида шаклланиши мумкин. Бунинг учун соҳанинг энг етуқ мутахассислари томонидан маҳорат дарслари, турли билим синовлари, лидерлик қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган мусобақалар ўтказилади.

Видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилганидек, энди ёзги оромгоҳларда ёшлар “Ибрат фарзандлари”, “Қизлар академияси”,



“Муталаа” лойиҳаларига қамраб олинади. 100 минг ўқувчи учун мактабларда “кундузги оромгоҳ” фаолияти йўлга қўйилади. Бундан ташқари, “Рақамли авлод” лойиҳаси доирасида камиди 50 минг ўғил-қиз ўқитилиб, ҳудудларда IT ва киберспорт турнирлари, “Рақамли авлод қизлари” лойиҳаси доирасида туман ва вилоят танловлари ўтказилади.

Қисқаси, ушбу ишлар келгусида давлат хизмати учун ёш кадрларни босқичма-босқич тайёрлаш, ёшлар орасида давлат хизмати жонивдорлигини ошириш, салоҳиятли йигит-қизлар учун социал лифт вазифасини ўтаб, халқчил давлат хизматини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

ЎЗИНГИЗНИ БУТУНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ТАЙЁРЛАНГ!

Элдоржон ДИЁРОВ, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси:

— Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институтида ўқитувчидаги ўзгариш унинг ўқувчисида сезилиши керак деган принцип асос қилиб олинляпти. Жиззах малака ошириш марказидаги 60 профессор-ўқитувчи Сингапур, АҚШ, Германия каби етакчи мамлакатлар методикаси асосида қайта тайёрланди. Мактабдаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблар ташкил этилади. Ҳар бирининг 1 нафар ўқитувчиси малака ошириш марказига келиб, ўз йўналишида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади, уларга тренер мақоми берилади. Тренерлар ўзига бириктирилган ҳудуддаги 25 етакчи ўқитувчини ўқитади.

Сирдарёнинг чекка туманида ишласам-да, ишимдан нолимайман. Икки йилда хорижий тиллар ва умумтаълим фанларини билиш даражасини белгилловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларни қўлга киритдим. Биринчи тоифали ўқитувчиман. Олий тоифа олишни мақсад қилганман. Айнаи пайтда 8-10 миллион сўм ойлик оламан. Фаолиятимни янги педагогик технологиялар, методлар билан бойитишга уринялман. Айнаиқса, рақамли имкониятлардан иложи борида қўл фойдаланишга ҳаракат қилялман. Чунки бутун сунъий интеллектнинг таълим учун фойдаси ниҳоятда кўп. Аммо қўлаш борадида ўқитувчиларнинг аксари эришчюқ, ҳафсаласиз. Ўқувчиларга яратувчанлик моҳиятини англаштиш учун юзлаб текин сунъий интеллектдан, чаббоддан фойдаланиш танлови бор.

Ўн йил олдин мактабларда аниқ фанлар бўйича амалиётини стадионда футбол ўйнаб ўтказиб юборардим. Илмий тадқиқот олиб бориш деган тушунчани тушунмасдик. Биргина физика ўқитувчимиз руҳимизда шижоат ўғитиш учун қуйиб-пишарди. Ўшанда мен ундан айнаи пайтда бор ресурслардан фойдаланиб ажойиб дарс ўтиш мумкинлигини,

“Айни дамда қабул қилинаётган қарорлар, бажарилаётган ишлар замиридаги асл моҳият ҳам шунда: инсон технологияларни эмас, аввало, ўзини ўрганиши, бугунги имкониятларга тайёрлаши даркор. Эртанги кунга ўзиде ишонч уйғотмас экан, бошқаларни ҳам ишонтира олмайд.



кутиш кайфиятидан кўра куруқ қўллар билан бўлса ҳам нимандир ўргатиш афзаллигини ўрганганман.

Ҳозир эса ҳамма нарсас бор. Рақамли технологиялар таълим соҳасида қўлайликлар яратиб, ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Онлайн платформалар, интерактив воситалар, виртуал қўланмалар тафаккурнинг янги қўриқларини очмоқда. Буларни қўлаш ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантиради, индивидуал эҳтиёжларга мослашиш имконини беради.

Айни дамда қабул қилинаётган қарорлар, бажарилаётган ишлар замиридаги асл моҳият ҳам шунда: инсон технологияларини эмас, аввало, ўзини ўрганиши, бугунги имкониятларга тайёрлаши даркор. Эртанги кунга ўзиде ишонч уйғотмас экан, бошқаларни ҳам ишонтира олмайд.

Агар биз мактаб таълимида ўзгариш қилишни миллатнинг эртанги кунига боғлиқ жиддий масала сифатида қабул қилар, ўқитувчилар ўз фаолиятига креатив ёндашиб, боладаги лаёқатни қобилият даражасига кўтара олар эканмиз, фарзандлар ақли, рақобатбардош мутахассис сифатида камол топади.

Азиз БАХТИЁР ёзиб олди.

